

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

4 ЖИЛД, 2 СОН

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

ТОМ 4, НОМЕР 2

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 4, ISSUE 2



АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ | JOURNAL OF AGRO PROCESSING

№2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2022-2>

БОШ МУҲАРРИР: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

Хамидов Мухаммадхон Хамидович
қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалиги механизациялаш
муҳандислар институти” миллий
тадқиқот университети профессори

Хамидов Мухаммадхон Хамидович
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор национального
исследовательского университета
“Ташкентский институт
инженеров ирригации и механизации
сельского хозяйства”

Khamidov Mukhammadkhan
Doctor of Agricultural Sciences,
Professor of the “Tashken Institute of
Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers” National
Research University

ТАҲРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ

Исаев С.Х., қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти” миллий
тадқиқот университети профессори;

Матякубов Б.Ш., қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти” миллий
тадқиқот университети профессори;

Бегматов И.А., техника фанлари номзоди, “Тошкент
ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш
муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети
профессори;

Ахмедов Д.Х., биология фанлари доктори, Пахта
селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, катта
илмий ходими;

Равшанов А.Э., қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти
директори;

Нурматов Ш.Н., қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш маркази
директори;

Авлиякулов М.А., қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
(DSc), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, катта
илмий ходими;

Каримов Ш.А., қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа
доктори, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, катта
илмий ходим;

Курбанбаев С.Е., техника фанлари номзоди (PhD),
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
Қорақалпоғистон минтақавий маркази директори, катта
илмий ходим;

Жураев У.А., қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти” миллий
тадқиқот университетининг Бухоро филиали профессори;

Ботиров Ш.Ч., техника фанлари номзоди, “Тошкент
ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш
муҳандислар институти” миллий тадқиқот университети
доценти;

Мирхасилова З.Қ., техника фанлари номзоди (PhD),
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти” миллий
тадқиқот университети доценти;

Норкулов Б.Э., техника фанлари номзоди (PhD),
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти” миллий
тадқиқот университети доценти;

Турлибаев З., техника фанлари номзоди (PhD),
Қорақалпоқ давлат университети доценти;

Фахрутдинова М.Ф. биология фанлари номзоди (PhD),
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети доценти;

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Исаев С.Х., доктор сельскохозяйственных наук, профессор
национального исследовательского университета
“Ташкентский институт инженеров ирригации и
механизации сельского хозяйства”

Матякубов Б.Ш., доктор сельскохозяйственных наук,
профессор национального исследовательского
университета “Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства”

Курбанбаев С.Е., кандидат технических наук (PhD),
директор Каракалпакского регионального центра НИИ
ирригации и водных проблем, старший научный
сотрудник;

Жураев У.А., доктор сельскохозяйственных наук,
профессор Бухарского филиала национального
исследовательского университета “Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского
хозяйства”

Бегматов И.А., кандидат технических наук, профессор национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Ахмедов Д.Х., доктор биологических наук, НИИ хлопководства, семеноводства и агротехнологии, старший научный сотрудник;

Равшанов А.Э., доктор сельскохозяйственных наук, директор научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка;

Нурматов Ш.Н., доктор сельскохозяйственных наук, директор Центра сортоиспытаний сельскохозяйственных культур;

Авлиякулов М.А., доктор сельскохозяйственных наук, НИИ хлопководства, семеноводства и агротехнологии, старший научный сотрудник;

Каримов Ш.А., доктор сельскохозяйственных наук (DSc), старший-научный сотрудник научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка;

Ботиров Ш.Ч., кандидат технических наук, доцент национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Мирхасилова З.К., кандидат технических наук (PhD), доцент национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Норкулов Б.Э., кандидат технических наук (PhD), доцент национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Турлибаев З., кандидат технических наук (PhD), доцент Каракалпакского государственного университета;

Фохрутдинова М.Ф. кандидат биологических наук (PhD), доцент Национальный университет Узбекистана;

EDITORIAL BOARD

Isaev S., Doctor of Agricultural Sciences, Professor of the “Tashken Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National Research University;

Matyakubov B. Doctor of Agricultural Sciences, Professor of the “Tashken Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National Research University;

Begmatov I., Candidate of Technical Sciences, “Professor of the “Tashken Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National Research University;

Akhmedov D., doctor of Biological Sciences, Research Institute of Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnology, Senior Research Fellow;

Rabshanov A., Doctor of Agricultural Sciences, Director of the Research Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnologies Research Institute;

Nurmatov Sh., Doctor of Agricultural Sciences, Director of the Center for Variety Testing of Agricultural Crops;

Avliyakov M., Doctor of Agricultural Sciences (DSc), Research Institute of Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnology, Senior Research Fellow;

Karimov Sh., Doctor of Agricultural Sciences (DSc), Senior Researcher, Research Institute of Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnology;

Kurbanbaev S., Karakalpak regional center of Institute of Irrigation and water problems Director;

Juraev U., Professor of the Bukhara branch of the “Tashken Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National Research University

Botirov Sh., candidate of technical sciences, associate professor of the “Tashken Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National Research University;

Mirkhasilova Z., candidate of technical sciences, associate professor of the “Tashken Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National Research University;

Norkulov B., candidate of technical sciences, associate professor of the “Tashken Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National Research University;

Turlibaev Z., candidate of technical sciences, associate professor of Associate Professor of Karakalpakstan State University;

Fakhrutdinova M., Candidate of Biological Sciences (PhD), Associate Professor of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek;

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Хасанова Одинахон, Пулатова Муниса, Курбонбоев Музаффар СУВГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА ҚОНУНЛАРНИНГ АХАМИЯТИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ РИВОЖИДИР.....	5
2. Ахмедов Икромали, Мирхасилова Зулфия ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТИЗИМ ИНШООТЛАРИНИ ИШЛАТИШДА ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ.....	10
3. Авлиякулов Мирзоолим, Дурдиев Нормат, Яхёева Нафиса ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИЛАДИГАН ҒЎЗАНИ ЯНГИ ЎҒИТЛАШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ.....	16
4. Kurbanbaev Sagit, Turlibaev Zakir THE EFFECTIVENESS OF THE METHOD OF COTTON SUBIRRIGATION IN THE CONDITIONS OF HYDROMORPHIC SOILS OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN.....	26
5. Хидиров Санъат, Норқулов Бехзод, Назаров Бобир, Холматжанов Нуриддин НАСОС СТАНЦИЯНИНГ СУВ ОЛИБ КЕЛУВЧИ КАНАЛИНИ ЎТКАЗУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ.....	31
6. Матякубов Бахтияр, Нуров Дилмурод БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....	39
7. Малика Алибоева, Зафаржон Жаббаров, Машкура Фахрутдинова ЧОТҚОЛ ДАВЛАТ БИОСФЕРАСИ ҚЎРИҚХОНАСИ ХУДУДИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИГА ГУМУСНИНГ ТАЪСИРИ.....	46
8. Курбанбаев Сагит, Каримова Ольга, Баймуратов Рашид, Турлибаев Закир НАУЧНАЯ ОСНОВА ПОДДЕРЖАНИЯ ВОДОПОТРЕБЛЯЮЩИХ ЭКОСИСТЕМ В ЗОНЕ ОРОШЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН.....	52
9. Аширбек Муратов, Зулфия Канназарова ОЦЕНКА ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ МЕЛИОРАТИВНЫХ СИСТЕМ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ТЕХНОЛОГИЙ ИХ ЭКСПЛУАТАЦИИ.....	59
10. Шадманов Джамолиддин, Бекмуродов Хумойддин ҒЎЗАГА ҲАМКОР ЭКИН СИФАТИДА МОШ ВА СОЯ ЎСИМЛИКЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ЭКИНЛАР ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	66



Хасанова Одинахон Алижановна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари
институти катта ўқитувчиси


Пулатова Муниса Маратовна

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти ассистенти

Курбонбоев Музаффар Хайитбаевич

Қорақалпоқ қишлоқ хўжалиги
ва агротехнология институти

СУВГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА ҚОНУНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ РИВОЖИДИР

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сувни айланма харакатини энг мухим хоссаси уни литосфера, атмосфера ва биосфера билан ўзаро боғланиб гидросферани барча қисмларини: океан, дарёлар, тупрок намлиги, ер ости сувларини ва атмосфера буғларини бир қилиб боғланиши, у табиий ҳолда амалий жиҳатдан доимо чучук бўлиб сув ресурсларини асосий манбаи бўлиб хизмат қилиши, фан-техника тараққиётига эришган жамият сув ресурсларининг ҳамма таркибий қисмини бошқариш усул ва технологиясига эга бўлиши, ер қаърида, шу жумладан унинг ядросида ҳам ер юзасидагига қараганда 10 марта кўпроқ сувни ғамлаган табиий омборлар борлиги тўғрисидаги масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: сувни айланма харакати, океан, дарё, тупрок намлиги, ер ости сувлари, атмосфера буғлари, табиий сув омборлар, куруклик, чучук сув, ер усти сувлари, ер ости сувлари, янгиланадиган сув ресурслари.

Хасанова Одинахон Алижановна

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии

Пулатова Муниса Маратовна

Ассистент Ташкентского института ирригации и
сельскохозяйственного машиностроения

Курбонбоев Музаффар Хайитбаевич

Каракалпакский институт сельского
хозяйства и агротехнологии

В ОБЛАСТИ ВОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ АКСИОМОЙ ЗАКОНОВ ЯВЛЯЕТСЯ РАЗВИТИЕ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ПРОГРЕССА

АННОТАЦИЯ

В этой статье наиболее важной характеристикой циркуляции воды является ее взаимодействие с литосферой, атмосферой и биосферой и ее связь со всеми частями гидросферы: океаном, океаном, почвенной влагой, соединением грунтовых вод и атмосферных паров, она практически всегда свежа в своем естественном состоянии образуют и служат основным источником водных ресурсов, , в частности, в его ядре были освещены вопросы существования естественных водоемов, которые загрязняют воду более чем в 10 раз больше, чем на поверхности Земли.

Ключевые слова: круговорот воды, океан, река, влажность почвы, подземные воды, атмосферный пар, природные резервуары, засуха, пресная вода, поверхностные воды, подземные воды, возобновляемые водные ресурсы.

Khasanova Odinakhon Alijanovna

Senior lecturer at Andijan Institute of
Agriculture and agrotechnologies

Pulatova Munisa Marathovna

Assistant of the Tashkent Institute of irrigation
and agricultural engineering

Kurbonboev Muzaffar Hayitbaevich

Karakalpak Institute of Agriculture
and Agrotechnology

**IN THE FIELD OF WATER RELATIONS, THE AXIOM OF LAWS IS THE
DEVELOPMENT OF SCIENTIFIC AND TECHNICAL PROGRESS****ANNOTATION**

In this article, the most important characteristic of water circulation is its interaction with the lithosphere, the atmosphere and the biosphere and its connection with all parts of the hydrosphere: the ocean, the darès, the soil moisture, the connection of ground water and Atmospheric vapors, it is practically always fresh in its natural form and serves as the main source of Water Resources, , in particular, the issues of the existence of natural reservoirs that pollute water more than 10 times more than on the surface of the Earth have been covered in its core.

Keywords: water circulation, ocean, river, soil moisture, groundwater, atmospheric vapor, natural reservoirs, drought, fresh water , surface water, groundwater, renewable water resources.

Кириш. Табиатдаги сувларни айланма харакати билан емирилиш жараёнлари ва ерни рельефини шаклланиши боғлиқдир. Табиатда сувни айланма харакати қуйидагича руй беради. Қуруқлик ва дунё океанидан қуёш иссиғи таъсирида буғланиб атмосферани намлик билан тулдиради. Мутахассисларни ҳисоблари бўйича қуёшдан келаётган иссиқликни 55% сувни буғлатишга сарф бўлар экан.

Атмосфера ҳавосидаги сув буғлари ҳароратни пасайиши ҳисобига конденсацияланиб суюқ ҳолатга ўтиб ерга қуруқлик ва дунё океани юзасига ёмғир ва қор сифатида ёғади. Қор ва ёмғир сувларини бир қисми тупроққа шимилади ва қолган қисми ер усти оқимини шакллантиради. Шундай қилиб океанлардан ва қуруқлик ичкарасидаги хавзалардан доимий буғланадиган сувлар узлуксиз тулдирилиб турилиши юз беради.

Тупроқ қатламидаги сувлар асосан буғланиб ва ўсимликлар орқали транспирацияга сарфланиб атмосфера ҳавосини сув буғлари билан бойитади ҳамда бир қисми ер ости сувларини таъминлайди.

Табиатдаги сувларни айланма харакати схемаси ана шундай. Сувни айланма харакатини энг муҳим хоссаси уни литосфера, атмосфера ва биосфера билан ўзаро боғланиб гидросферани барча қисмларини: океан, дарёлар, тупроқ намлиги, ер ости

сувларини ва атмосфера буғларини бир қилиб боғлашидир. Табиатдаги сувни айланма ҳаракати иккита мустақил жараёнлар таъсирида бўлади:

-улардан биринчиси гидросферани сувини тулдирувчи манба - мантия сувини дегазацияси. Бу жараён жуда секин юз бериб миллиард йиллардан бери давом этмоқда. Бу жараённи интенсивлиги ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Дарё сув ресурслари атмосферадаги сув буғларини янгиланиш тезлигидан кейин юқори янгиланиш фаоллигига эгадир. Дарё сувлари ўртача ҳар 11 суткада янгиланиб туради. Шунинг учун у табиий ҳолда амалий жиҳатдан доимо чучук бўлиб сув ресурсларини асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Янгиланиши қанчалик секин бўлса бундай сувларни таркибидаги тузлар миқдори шунчалик юқоридир ва бунга қарама қарши янгиланиш фаоллиги юқори бўлган сувлар чучукдир. Сув ресурсларини бошқариш асосан икки йўналишда амалга оширилади:

-яъни сувни сифатини бошқариш ва сувни миқдорини бошқаришдан иборатдир. Биринчидан сувни сифатини бошқариш сув сифатини истеъмолчини талабларига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши тушинилади, чунки кўп ҳудудларда тарқалган ер усти ёки ер ости сувлари табиий ҳолатдаги сифати бўйича талабларга тўлиқ жавоб бермайдиган сувлардир ва шу билан бирга охириги 20-30 йиллар давомида инсониятни хўжалик фаолияти таъсирида ифлосланиб бораётганини ҳисобга олиш керак. Бу ҳолат ўз навбатида уни турли мақсадлар учун фойдаланишдан олдин турли ишловлар асосида сифатини талаб даражасига етказишни тақозо этади.

-иккинчидан табиий сувларни (ер усти ва ер ости) вақт давомидаги миқдорини ўзгариши халқ хўжалиги тармоқларини сув истеъмол қилиш ёки сувдан фойдаланиш режимига мос келмаслиги асосида юзага келади. Бундай ҳолатни бартараф қилиш учун албатта сувни миқдорини бошқариш зарурияти вужудга келади. Туб маънода сув ресурсларини бошқариш манба сувидан тўлароқ фойдаланишни амалга ошириш мақсадида уни эксплуатацион имкониятларини ошириш демакдир.5 [36-45]

Шунинг учун ҳам жамиятнинг жумладан сув ресурсларини бошқариш имкониятига эга бўлиши уни илмий-техника тараққиётига эга бўлганлиги кўрсатгичидир. Қайд қилингандек сув ресурслари ҳавода, ер устида ва ер остида учрайдиган сувлардан ташкил топади.

Фан-техника тараққиётига эришган жамият сув ресурсларининг ҳамма таркибий қисмини бошқариш усул ва технологиясига эга бўлиши керак. Ер ости сув манбаларини бошқариш масалалари нисбатан янги, аммо муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ хўжалигини сув билан таъминлаш ва улардан мукамал фойдаланиш нуқтаи назаридан ернинг устки қатламларида жойлашган сувлар кўп ҳолда ер усти сувлари билан узвий боғлангандир. Шунинг учун ҳам улар ягона сув ресурсларини ташкил қилиш билан бирга бу сувлардан фойдаланиш орқали умумий сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш мумкин.

Ер ости сувларини ер усти сувларидан кўрилатган масалада фарқи уларнинг оқимини сизилиш жараёндан иборатлиги учун бир қанча ун, ҳатто 100 марта кичик бўлгани сабабли улар таркибини вақт бўйлаб нисбатан турғунлигидадир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай сув билан тўйинган қатлам табиий сув омбори ҳисобланади. Ундаги сув ҳажми ўнлаб куб.км. билан ўлчанади ва нисбатан ўзгармас сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга бўлади. Табиий ер ости сув омборлари сув чиқариш иншооти сифатида биринчи қавланган кудуқ ишга тушиши билан сунъий бошқариладиган сув омборига айланади. Бундай сув омборидан йилига унинг сув билан таъминланиш даражасидан қатъий назар ўртача озуқланиш миқдорига тенг сув олиниши мумкин. 4[31-35]

Бунда кам сувли йилларда олинандиган сув омборнинг табиий заҳиралари ҳисобига амалга оширилади. Зарур бўлган ҳолларда сув омборлардаги заҳиралар ишлатилмаётган ер усти сувлари ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Сув – сайёрамизда аналоғи бўлмаган ягона модда. Биз у сиз ўзимизни ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Инсон организми 80 фоиз сувдан иборат бўлса, ернинг 71 фоизи сув билан ўралган. Қуруқликнинг сувга нисбатан неча фоизлиги эса маълум.

Мамлакатлар бўйича ер ости сувлари янгиладиган захираларининг ҳар йилги миқдори юз, ҳатто минг куб километрдан шу миқдорнинг ўнлаб, юзлаб улушига қадар кўтарилиб-тушиб туради.

Янгиладиган сув ресурсларига бой ҳудудлар жаҳоннинг 6 та йирик давлати ерларида жойлашган: Улар Бразилия, Россия, Канада, АҚШ, Хитой ва Ҳиндистондир.

Махсус текширишлар шуни кўрсатдики, сони доимо ўсиб бораётган планета аҳолисини (агар, уни сони 1800 йилда 0,9 млрд. бўлган бўлса, 1920 йилда - 1,8 млрд, 1970 йилда -4,0 млрд, 1990 йилда-5,2 млрд, 2000 йилда -6,3 млрд, 2050 йилда -11 млрд) озиқ-овқат билан таъминлаш учун 2050 йилга келиб 500 млн гектар суғориладиган ерларда юқори ҳосилдорликка эришиш учун деҳқончилик қилиш (ҳозирда бу майдон 285 млн. га яқин) керак бўлади. Аммо мавжуд сув бойликлари фақат 450 млн. га ерни суғоришга етади. 6[15-17]

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки даврларидаёқ бу ҳолатга пешвоз қонунчилик асослари яратилиб, мунтазам равишда ислохотлар амалга оширилиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида. Қонунларнинг вазифалари сувга доир муносабатларни тартибга солиш, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашдан, сувнинг зарарли таъсирларини олдини олиш ва уни бартараф қилишдан, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга бўлган муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқороларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-худудий тамойилдан гидрографик-ҳавзавий принципга ўтилиб, Давлатнинг бир қисм ҳуқуқ ва мажбуриятларини жамоат ташкилотларга берилиши;

Кўп сув талаб килувчи экинлар майдонини қисқартирилиши ва уларни кам сув талаб этувчи экинлар билан алмаштирилиши;

Қишлоқ хўжалигидаги кенг камровли ислохотларнинг олиб борилиши;

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларига давлат сиёсати даражасида ёндошиш амалга оширилган масалалар жумласидан.

Шу ўринда 2009 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унга асосан 3 та Кодекс ва 9 та Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар:

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида-алоҳида белгиланиб, уларнинг сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш борасидаги мажбуриятлари кучайтирилди.

Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш тартиби тубдан такомиллаштирилди, табиий сув объектларидан рухсатномани бериш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатига ҳамда сунъий сув объектларидан (канал, сув омбор, зовур, ҳовуз ва бошқалардан) рухсатномани бериш қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг ваколатига киритилди.

Сув объектларини техник ишчи ҳолатда сақлаш, уларда мақбул сув режимини яратиш, эксплуатация қилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақаларидан фойдаланиш тартибига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш давр талаби асосида мукамаллик даражасида олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сборник. Проблемы Аральского моря. Исследования. Проекты. Предложения. Ташкент, 1998, 37-38с.
2. Мирзаев С.Ш. Формирование и размещение запасов подземных вод Узбекистана, вопросы методики их изучения и проблемы хозяйственного использования. Ташкент: Фан.1974.
3. Каримов А. Планирование орошения в условиях прогрессирующего дефицита водных ресурсов. //Режима орошения и техника мониторинга. Проект: «Управление почвенными и водными ресурсами для создания устойчивых сельскохозяйственных систем в Центральной Азии». Тараз, 2002. с. 20–36.
4. Каримов А., Мирзажанов К, Исаев С. Повышение продуктивности использования водных ресурсов на уровне фермерских хозяйств. //Водосбережение: технологии и социально-экономические аспекты. Проект: Управление почвенными и водными ресурсами для создания устойчивых сельскохозяйственных систем в Центральной Азии. Тараз, 2002, с.30-50
5. Каримов С., Акбаров А., Жонқобилов У. Гидрология, гидрометрия ва оқим ҳажмини ростлаш. Тошкент, Ўзбекистон, 2004.
6. Хасанова О. Шокиров Б «Сув ҳаёт манбаи» “Мустақиллик энг олий неъмат” Республика олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчилари ва магистрлари ҳамда иқтидорли талабаларининг III- илмий амалий анжумани материаллари тўплами 2017 йил. 15-17бетлар
7. О.Хасанова, З. Тургунов “Ёмғир ва қор сувларидан самарали фойдаланишнинг усули” Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муаммо ва ечимлари” Қарши 2016 йил 139-141 бетлар
8. М.Махаммаджонов Х.Абдумуталипова, О.Хасанова “Проблемы истощения и загрязнения водных ресурсов и их последствия” Международная научно- практическая конференция “Вода для устойчивого развития центральной азии (2018-2028) г. Душанбе, Республика Тожикистон 23-24 марта 1918 год



ISSN: 2181-9904

www.tadqiqot.uz


Ахмедов Икромали

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
“Мехнат муҳофазаси ва экология” кафедраси доценти,
a.akhmedov.1954@gmail.com

Мирхасилова Зулфия Кочкаровна

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети
Хаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси доценти, PhD.
mzulfiya.k@mail.ru

ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТИЗИМ ИНШОТЛАРИНИ ИШЛАТИШДА ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада сув хўжалиги тизимида ишловчиларга таъсир этадиган хавфли ва зарарли факторлар келтирилган ва уларни муҳофазалашнинг хавфсизлик талаблари ёзилган.

Калит сўзлар: иншоот, ишлатиш, сув, талаб, тизим, хавф, хавфсизлик.

Ахмедов Икромали

Ташкентский институт текстильной
и легкой промышленности, к.т.н, доцент,
a.akhmedov.1954@gmail.com

Мирхасилова Зулфия Кочкаровна

Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт ирригации и
механизации сельского хозяйства”
PhD, доцент кафедры БЖД
mzulfiya.k@mail.ru

ТРЕБОВАНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ ОБЪЕКТОВ ГИДРОМЕЛИОРАТИВНОЙ СИСТЕМЫ

АННОТАЦИЯ

В статье приведены воздействующие опасные и вредные факторы на работающие в системе водного хозяйства и приведены требования по их безопасности и защите.

Ключевые слова: сооружение, эксплуатация, вода, спрос, система, риск, безопасность.

Akhmedov IkromaliTashkent Institute of Textile and light industry
candidate of technical sciences
a.akhmedov.1954@gmail.com**Mirkhasilova Zulfiya**National Research University
"Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Mechanization" PhD, assistant
professor of the department life safety
mzulfiya.k@mail.ru

SECURITY REQUIREMENTS IN THE USE OF GIDROMELIORATIV SYSTEM FACILITIES

ANNOTATION

The article lists the hazardous and harmful factors that affect workers in the water management system and the safety requirements for their protection.

Key words: construction, operation, water, demand, system, risk, safety.

Кириш. Мамлакатимизда аҳолининг саҳит-саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикамиз гидромелиоратив тизими таркибида 4.3 млн гектар суғориладиган майдонлардаги 200 минг км дан ошиқ каналлар ва ариқлар, 135 минг км дан ошиқ завурлар, 13 мингдан ошиқ суғориш ва завур қудуқлари, 80 дан ошиқ сув ва сел омборлари, 6300 дан ошиқ насос станциялари ва агрегатлари, 150 минг км дан ошиқ хизмат йўллари мавжуд. Уларда минглаб бошқарув, муҳандис-техник ходимлар ва ва бошқа бир неча минг ишловчилар хизмат қилмоқдлар.

Тадқиқот методологияси Гидромелиоратив тизим иншоотларини лойиҳалаш, қурилиши, ишлатилиши ва таъмирлашда ҳам ўзига хос бўлган ишловчилар учун хавфли ва зарарли факторлар мавжуд. Шунинг учун ҳам хавфсизлик талабларини ишлаб чиқиш ва амалиётда ҳисобга олиш долзарб вазифалардан биридир. Шу билан биринчидан ишловчиларнинг саҳит –саломатлиги таъминланади ва иккинчидан уларнинг фаолият унумдорлиги юқори бўлишига эришилади.

Таҳлил ва натижалар. Гидромелиоратив тизим иншоотларини ишлатувчилар бажарадиган иш характери бўйича:

- идора ишчилари (раҳбарлар, бошлиқлар, бухгалтерия ходимлари, техник ва режа бўлимлари ходимлари, ходимлар бўлими, диспетчерлар, операторлар, режа бўлими ходимлари, қоровуллар);
- дала ва ярим дала шароитида ишловчилар, хусусан -чизиқли ишловчи (линейний персонал) ходимлар (муҳандислар, гидрометрлар, гидротехниклар, мироблар, алоқачилар, техникаларда ишловчилар [6]);
- дала шароитида ишловчилар, хусусан-қурувчилар, таъмирловчилар, созловчилар ва бошқалар.

Идора шароитида ишловчилар учун микроклимат шароитини етишмаслиги, электр ва ёнғин хавфлари, электромагнит тўлқин, нурланиш жараёни, гигиеник ва санитар шараотларнинг етишмаслиги, психологик муҳитдаги камчиликлар, иш жойидаги эргономик кўрсаткичларни етишмаслиги, бошқарув ходимларидаги раҳбарлик назарий билимларини етишмаслиги ишловчилар учун потенциал хавфли ва зарарли факторлар бўлиши мумкин. [5]

Гидромелиоратив тизим иншоотларини ишлатиш мураккаб ва машаққатли иш жараёнларидан иборатдир. Буларнинг асосий сабаблари ишларни дала шароитида бажаришдир. Сув, зах, шамол, чанг, батқоқлик, ҳарорат ўзгаришлари, иншоотлардаги авария ҳолатлари ва бошқа шунга ўхшаш мураккаб шароитлар ишловчиларни иш бажариш вақтида ишловчилар учун асосий хавфли ва зарарли факторлар ҳисобланади. Булардан ташқари дала шараотида ишловчилар учун шамоллаш ва куйиш ҳамда қуёш радиацияси ҳам потенциал

хавфлар ҳисобланади. Сувга йиқилиш ва чўкиш ҳолатлари ҳам соҳага характерлидир. Қазилма ва кўтарма иншоотларда ишлаш, гидробўғинларда, сув ўлчаш жойларида, кудуқларни, кўприк остиларини тозалаш, сув оқимини таъминлаб туриш ишлари ўзига хос хавфсизликни талаб этади. [3] Соҳадаги 50 йиллик амалий кузатувлар ва амалий ишларимиз хавфсизлик ишларига эътибор бериш кераклигини кўрсатди.



1 Расм. Гидромелиоратив тизим иншоотларида бажарилаётган иш жараёнлари: А-канални механик усул билан лойқадан тозалаш; Б-Завур тўсилган(кўмилган) жойини кўл кучи билан очиш; В-металл тузилмаларни таъмирлаш; Г-сув ўлчаш ишлари ва қурилмалари.

Гидромелиоратив тизимда бажариладиган хавфсизлик ишларини хусусияти бўйича умумий ва хусусий гуруҳларга бўлиш мумкин.

Гидромелиоратив тизимда ишловчилар учун хавфсизлик талаблари:

I. Хавфсизликнинг умумий талаблари:

- 1.ГМТ корхона ва ташкилотларида Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни”[1] асосида меҳнат муҳофазаси(хавфсизлик) бўйича хизмат(лавозим) ташкил этилган бўлиши керак.
- 2.Соҳада ишловчилар соғлом ва даврий тиббий кўрикдан ўтган бўлишлари керак;
- 3.Ишловчилар хавфсизлик бўйича йўриқнома олган ва ундан ўтган бўлишлари керак;
- 4.Ишловчилар белгиланган меъёр асосида махсус кийим ва шахсий ҳимоя востилари билан таъминланган бўлишлари керак, иш жараёнида улардан фойдаланишлари керак;
- 5.Ишловчилар хавфсизлик бўйича қоникарли(аттестацияланган) иш жойида ишлашлари керак.
- 6.Соҳадаги мавжуд асбоб ускуналар, техникалар ва технологик жараёнларни янгилари билан алмаштириш доимий жараён бўлиши керак.
- 7.ГМТ иншоотлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳаланиши керак.
- 8.ГМТ иншоотлари лойиҳа талаблари асосида қурилган бўлиши керак.
- 9.Ишловчилар хавфсизлик техникаси бўйича кириш ва бирламчи йўриқномадан ўтган бўлишлари керак;
- 10.Тармоқда ишлатиладиган барча машина ва механизмлар, асбоб -ускуналар техник кўрик ва синовдан ўтган соз бўлиши керак.
- 11.Иш жойларидаги бинолар ёнғинга қарши воситалар билан жиҳозланган бўлишлари керак.

ГМТ иншоотларини ишлатиш билан боғлиқ хавфсизлик талаблари(3,4):

ГМТ тизим ишлатиш корхоналарининг идора ишчилари ва ходимлари меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилган иш жойларига эга бўлишлари керак. Бинолар шамоллатиш, иситиш ва совутиш қурилмалари ҳамда ёриткичлар билан жиҳозланган ва улар меъёр даражасидаги кўрсаткичларни таъминлаши керак.

Бошқарув бинолари “Ёнғин хавфсизлиги” талаблари даражасида қурилган ва жиҳозланган бўлишлари керак. Ўзбекистон Республикаси “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги”(2009) қонун талабларига мос бўлишлари керак.

Бинолардаги электр жиҳозлари ва қурилмалари хавфсизлик талабларига жавоб берадиган бўлишлари керак. Улар “Электр қурилмаларни ишлатишда техника

хавфсизлиги қоидалари”(2006) талабларига жавоб берадиган бўлишлари керак. Носоз электр жиҳозари ва қурилмалари бўлиши керак эмас.

Биноларда эвакуация схемалари бўлиши керак.

Биноларни бажариладиган ишлар технологик хусусиятини ҳисобга олиб жойлаштирилган бўлиши керак.

Бинолар санитар шароитлар талаблари асосида лойиҳаланган ва қурилган бўлиши керак.

Суғориш тармоғи каналларига сув филтрациясини камайтириш ва атроф муҳит ер ости сувларини кўтарилиб кетмаслиги учун филтрацияга қарши ишлов берилиши керак;

Суғориш ва зах қочириш тармоғидаги иншоотлар Ўзбекистон Республикасининг **“Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги”**[2] тўғрисидаги қонуни талаблари асосида қурилган бўлишлари керак.

Суғориш каналларига уларнинг лойиҳавий сув сарфидан ошиқ сув киритилиши мумкин эмас, уларнинг сув сарфлари “эскириш” даражасини ҳисобга олиб белгиланиши керак.

Каналлар ва зовурлардаги металл тузилмалар даврий равшда таъмирланиши керак, лойиҳавий ишлаш муддати тугаганлари янғиси билан алмаштирилиши лозим.

Каналларнинг техник ҳолати бўйича мониторинг даврий равшда ўтказиб турилиши лозим, уларнинг натижаси асосида таъмирлаш тиклаш ишлари режалаштирилади.

Каналларнинг хавфли жойларига тўсиқлар(бардюор, панжара) ўрнатилиши керак;

Тезоқар каналларда кутқарув боғламлари қўйилиши керак.

Сувнинг тезлиги 2 м/с дан кўп бўлган жойларда кечув жойлар бўлиши мумкин эмас, сувга тушиш тақиқланади.

Каналлардаги сув ўлчаш жойларига тушиш –чиқиш йўлаклари бўлиши ва улар икки томонидан панжаралар билан тўсилган бўлиши керак.

Сув ўлчаш кўприклари икки томонидан панжаралар билан тўсилган бўлиши керак.

Каналлардаги сув бўғинлари бир текисда ёритилган бўлиши керак.

Сув бўғинларидаги электр ўтказгичлар одамлар ҳаракатланганда халақит бермайдиган баландликдан ўтказилган ёки ер остидан ўтказилган бўлиши керак.

Ишловчилар юрадиган хизмат йўлқаларида кескин бурилишлар, қиррали жойлар бўлмаслиги керак.

Сув сарфини бошқариш қурилмалари иложи борича масофавий бошқарув тизимига ўтказилиши керак.[7]

Гидробўғинларда ёнғин чиқишини оддини олиш мақсадида майдони ёнгил ёнадиган жинслардан, ўсимликлардан тозаланиб турилиши керак, қурилмалардан мой оққан жойлар бўлмаслиги керак.

Хизмат йўлларининг хавли бурилиш, кўтарилиш-тушиш жойлари ҳаракатланувчилар эътиборини тортадиган белгилар билан кўрсатилиши, тўсиқлар билан тўсилиши керак. Уларга йўл белгилари қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Хизмат йўлларига чангимайдиган материаллар билан қоплама қилиш лозим.

Хизмат йўлларида механизмларни қайтиб олиш жойлари қилинади.

Каналларни таъмирлаш муддатларини тўғри белгилаш лозим.

Канал ўзанига техникаларни тушириш жойларини тўғри белгилаш керак, ёнбағир қиялик даражаси механизм техник кўрсаткичларига мос бўлиши керак.[8]

Таъмирлаш ишлари иштирокчилари энерготаъминотини ҳисобга олиб ишни ташкил қилиш керак.

Таъмирлаш ишларида иштирок этувчи техникаларни ҳаракатланишида муҳандислик иншоотлари ва қурилмаларини(эл.тармоғи, газқувурлар, кўприклар ва б.) ҳисобга олиш зарур.

Таъмирлашдаги қўл кучи билан бажариладиган ишлар камида икки киши иштирокида амалга оширилиши керак.

Тик зовур қудуқларини таъмирлашда уларни дастлаб электр тармоғидан ажратиш керак.

Тик зовур қудуғи электр қисмларини таъмирлаш ишлари **“Электр қурилмаларни ишлатишда техника хавфсизлиги қоидалари”**(2006), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш вазирлигининг 14.05.2013 й. №34-Б сон буйруғи га асосланиб бажарилиши керак.

Кудук ички жиҳозларини ечиш-йиғишда “Юклаш—туширишда хавфсизлик қоидалари”га амал қилиш керак.[9]

Болт-гайкаларни ечиш-йиғишда, кесишда носоз ёки мойланиб қолган асбоб-ускуналардан фойдаланиш тақиқланади, ишни бажарувчилар оралик масофаларни сақлаши керак.

Ишловчилар метрологик факторлардан ҳимояланган бўлиши керак чангли ва газли иш шароитларида шамол йўналишига перпендикуляр ҳолатда ишни бажаришлари лозим.

Ёпик зовур кудукларини тозалашда камида икки киши ишлаши керак. Бир киши кузатувчи ва қутқарувчи сифатида доимо тепада, кудук оғзи атрофида бўлиши керак.

Кудукларга тушиш-чиқишда махсус норвонлардан фойдаланиш ва куннинг фақат ёруғ вақтлари ишлаш керак.

Кудукларни чўкиндилардан тозалашда грейферли ковш мосламалардан фойдаланиш керак.

Зовур қувурини ювиш механизмлари билан ишлашга фақат шу йўналишда хавфсизлик йўриқномасидан ўтган одамларгина қўйилади.

Суғориш ишларини амалга оширувчи далада ишловчилар баданларини очик жойларига куёш нури тушишини ҳимояловчи кийимлар кийишлари керак.

Хулоса ва таклифлар. Мавсумнинг иссиқ кунлари чанқоқни босадиган ичимликлардан фойдаланишлари, куёш нуридан кўзни ҳимояловчи кўзойнақлардан фойдаланишлари керак. Мавсумга мослаб кийим кийишлари керак ва овқатланиш ҳамда дам олиш жойлари ташкил этилиши керак.

Сувчилар белкурак, кетмон билан ишлашда оралик масофаларни сақлашлари керак. Оралик масофа жиҳоз узунлигига нисбатан бир ярим мартадан кам бўлмаслиги керак.[10,11,12]

Насос станцияларини ишлатишда асосан механик ва электриклар ишлайди. Насос станцияси бинодаги хавфли жойлар тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак. Насосларни ишга туширишда шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш керак ва камида икки киши иштирок этиши керак.

Сув омборларини ишлатишда жамоавий ва шахсий муҳофаза воситалари қўлланиши керак. Хавфли жойларга тўсиқлар ўрнатилиши керак. Электр ускуналари ва қурилмалари билан ишлашда “**Электр қурилмаларни ишлатишда техника хавфсизлиги қоидалари**” талабларига амал қилиниши керак.

Белгиланмаган жойларда сувга тушиш мумкин эмас, сувга тушиш зарур бўлганда камида икки киши бўлиши керак, улардан бири қутқарувчи сифатида иштирок этади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Меҳнатни муҳофаза қилиш” тўғрисида. 2016 й. 22.09.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги” тўғрисида. 1999.20.08.
3. И.Ахмедов. Ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсизлик. Ўқув қўлланма. Т.2021й. 472 б.
4. И.Ахмедов. Сув хўжалиги қурилишини ташкил қилиш, режалаштириш ва уларни бошқариш. Дарслик. 2010й. 325 б.
5. Bakhtiyar Matyakubov, Giyosiddin Goziev, Umida Makhmudova. (2021) “State of the inter-farm irrigation canal: in the case of Khorezm province, Uzbekistan”// Ural Environmental Science Forum “Sustainable Development of Industrial Region” (UESF-2021), E3S Web of Conferences 258, 03022 (2021), 20 May 2021. p.9. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202125803022>.

6. Matyakubov, B., Yulchiyev, D., Kodirov, I., Axmedjanova, G. (2021) “The role of the irrigation network in the efficient use of water” // E3S Web of Conferences 264, 03018 (2021), 02 June 2021 2021. p.10. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126403018>
7. Matyakubov, B., Koshekov, R., Avlakulov, M., Shakirov, B. (2021) “Improving water resources management in the irrigated zone of the Aral Sea region” // E3S Web of Conferences, 264, 03006 (2021), 02 June 2021, p.8.
8. Z. Mirkhasilova., L.Irmuhamedova, S.Kasymbetova, G. Akhmedjanova M. Mirkhosilova (2020) Rational use of collector-drainage water 2020 IOP Conf. Ser.: Mater. Sci. Eng. 883 012092. CONMECHYDRO 2020
9. Z. Mirkhasilova, M Yakubov. L. Irmukhomedova. (2021) Irrigated of the cultivated area with groundwater from vertical drainage wells. E3S Web of Conferences 264, 01015 CONMECHYDRO
10. Z. Mirkhasilova, I. Akhmedov. (2021) Construction of vertical drainage wells using corrosion resistant materials. E3S Web of Conferences 264, 01015 CONMECHYDRO
11. Saidhujaeva Nafisa, Nulloev Ulugbek, Mirkhasilova Zulfiya, Mirnigmatov Botir, Irmukhamedova Ludmila Production of Plant Product as a Process of Functioning Biotechnical System. IJEAT. ISSN: 2249-8958, Volume-9 Issue-1, October 2019.
12. Mirkhasilova Z.K Ways to improve the water availability of irrigated lands.European science review No. 7-8 2018 july-august.



Авлиякулов Мирзоолим

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва
етиштириш агротехнологиялари
илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc)
mirzoolim89@mail.ru


Дурдиев Нормат

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва
етиштириш агротехнологиялари
илмий-тадқиқот институти лойиҳа раҳбари кишлоқ
хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
normat8986@gmail.com

Яхёева Нафиса

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот
институти таянч докторанти
nafisayaxuyaeva17@gmail.com

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИЛАДИГАН ЁЎЗАНИ ЯНГИ ЎЎИТЛАШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада глобал иқлим ўзгаришининг ҳозирги ҳолати, унинг оқибатлари, Ўзбекистон ва бутун дунёда юзага келиши мумкин бўлган келажакдаги иқлим, Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида томчилатиб ва эгатлаб суғориладиган ўрта толали С-8286 ва Бухоро-102 ғўза навларининг сув ва минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда янги ўғитлаш технологиясига оид маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Глобал иқлим ўзгариши, ўрта толали пахта, томчилатиб ва эгатлаб суғориш, ўғитлаш.

Авлиякулов Мирзоолим

Заведующий лабораторией в Научно-исследовательском
институте селекции, семеноводства и агротехнологии
выращивания хлопка, Узбекистан
доктор сельскохозяйственных наук

Дурдиев Нормат

Руководитель проекта в Научно-исследовательском
институте селекции, семеноводства и агротехнологии
выращивания хлопка, Узбекистан

доктор философии по сельскохозяйственным наукам
Яхёева Нафиса
Базовый докторант в Научно-исследовательском
институте селекции, семеноводства и агротехнологии
выращивания хлопка, Узбекистан

НОВАЯ АГРОТЕХНОЛОГИЯ ВНЕСЕНИЯ УДОБРЕНИЙ ПОД ХЛОПЧАТНИК ПРИ КАПЕЛЬНОМ ОРОШЕНИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНОГО ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены материалы о текущем состоянии глобального изменения климата, его последствий, возможного будущего климата в Узбекистане и мире, эффективности использования воды и минеральных удобрений, а также новой технологии внесения удобрений под капельным и бороздковым поливом средневолокнистых сортов хлопчатника С-8286 и Бухара-102 в условиях лугово-сероземных почв Самаркандской области.

Ключевые слова: глобальное изменение климата, средневолокнистый хлопчатник, капельное и бороздковое орошение, внесение удобрений.

Mirzoolim Avliyakov

Head of laboratory at Cotton Breeding, Seed Production
and Agrotechnologies Research Institute, Uzbekistan
DSc in Agriculture

Normat Durdiev

Project leader at Cotton Breeding, Seed Production
and Agrotechnologies Research Institute, Uzbekistan
PhD in Agriculture

Nafisa Yakhyoeva

PhD student at Cotton Breeding, Seed Production
and Agrotechnologies Research Institute, Uzbekistan

NEW FERTILIZER APPLICATION TECHNOLOGY FOR DRIP IRRIGATED COTTON IN THE CONDITION OF GLOBAL CLIMATE CHANGE

ANNOTATION

The paper presents materials related to the current state of the global climate change, its consequences, possible climate futures in Uzbekistan and worldwide, water and mineral fertilizer use efficiency as well as new fertilizer application technology for drip and furrow irrigated upland cotton varieties C-8286 and Bukhara-102 in the condition of meadow sierozem soils of Samarkand province.

Key words: global climate change, upland cotton, drip and furrow irrigation, fertilizer application.

Кириш. Ҳозирги кунда глобал иқлим ўзгариши таъсири кузатилмаётган соҳанинг ўзи мавжуд эмас. Айниқса глобал иқлим ўзгариши туфайли ҳаво ҳароратининг кескин иссиши билан боғлиқ муаммо қишлоқ хўжалиги соҳасига сезиларли таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Иқлим ўзгаришини доимий кузатиб бориш, башоратлаш, таҳлил, қиёсий таҳлиллар ўтказиш билан алоҳида ташкилот шуғулланади ва бу Иқлим ўзгариши бўйича халқаро қўмита (Intergovernmental panel on climate change (IPCC)) бўлиб, йиллар бўйича ушбу ташкилот маърузалари эълон қилиб борилади. Айнан ушбу ташкилот томонидан тақдим қилинадиган маълумотлар дунё бўйича ягона порталга жойлаштирилиб, тасдиқланган маълумот сифатида қабул қилинади.

Иқлим ўзгариши бўйича халқаро қўмита (IPCC, 2021) нинг махсус маърузасида ўртача глобал ҳаво ҳароратининг ортиши билан кунлик ва мавсумий даврларда экстремал юқори ҳароратлар тез-тез ва экстремал паст ҳароратлар камроқ кузатилиши қайд этилган. Дунёнинг бошқа давлатлари сингари Марказий Осиёда ҳам келажакда иқлим ўзгариши ҳамда экстремал (максимал ва минимал) ҳаво ҳарорати кузатилиши башоратланган.

Ер юзида ҳарорат ошиб бориши билан ёгингарчилик камайиб, ўсимликларнинг сувга бўлган талаби кескин ошиб бормоқда. Аммо сув ресурслари ҳажми йилдан йилга камайиб бормоқда.

Савол туғилади Ўзбекистон шароитида бугунги кунда 1 гектар майдонни суғориш учун қанча сув сарфланмоқда? Ўзбекистон шароитида сув манбаларидан 1 гектар суғориладиган майдонга 90-йилларда 18 минг м³/га ишлатилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 40 фоизга камайди. Жумладан, бугунги кунга келиб Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўналишидаги давлат сиёсатининг натижаси ўлароқ фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори 80-йилларга нисбатан 20 фоизга камайишига эришилди. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиниши ҳам сувни тежалашига ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида пахта, шоли каби сувни кўп талаб қилувчи экинлар қисқартирилиб, ўрнига бошоқли дон, сабзавот-полиэ экинлари ва боғ-узумзорлар майдони кенгайтирилди. Жумладан, 80 йилларга нисбатан пахта майдонлари қарийб 50 фоизга, шоли майдонлари эса 75 фоизга қисқартирилди [10].

Глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини тежашнинг энг мақбул йўли бу тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш ҳисобланади. Тежамкор суғориш технологиялари қаторида энг самаралиси сифатида томчилатиб суғориш технологияси кўрилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан тежамкор суғориш технологияларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4087-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон қарорлари қабул қилиниб, қарор бўйича 2021 йилда 7 минг 423 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳамда суғориладиган 38 минг гектар майдонларни лазерли ускуна ёрдамида текислаш орқали жами 45423 гектар майдонда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш шунингдек, республика бўйича 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар мевали экинлар, 15 минг гектар узум ва 5 минг гектар бошқа экинлар етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш, 14 минг гектар донли экинлар, 2 минг гектар сабзавот ва полиэ ҳамда 2 минг гектар озуқабоп экинлар етиштириладиган майдонларда ёмғирлатиб суғориш, 600 гектар пахта етиштириладиган майдонларда дискретли суғориш технологияларини, 200 минг гектар экин майдонларида, шундан 43 минг гектар шоли етиштириладиган майдонларда лазерли ускуна ёрдамида текислашни ташкил этиш режалаштирилган [8].

Israelsen томонидан деярли 90 йил олдин яъни 1932 йилда “Сувдан фойдаланиш самарадорлиги” атамаси фанга киритилган бўлиб, айнан қарийб бир аср давомида сув тақчиллиги муаммоси глобаллигини йўқотмаганлигини қайд этиш мумкин [6].

М.Низомованинг тадқиқотларида аммофос ўғити сув ҳарорати 50-градус қиздирилганда ўғит 80% эриган, 20% чўкма ҳосил бўлган. Агар ушбу усулда ўғитларни эритиб қўллаган тақдирда ҳам чўкмалар томчилатгич шланглар тешикларига тиқилиб қолиб, ортикча оворагарчиликларни юзага келтирмоқда. Тадқиқотларда ушбу фосфорли ва калийли минерал ўғитларни сувда тўлиқ эримаслиги сабабли фосфорли ва калийли минерал ўғитлар 100 % кузги шудгор олдидан ёки чигит экиш олдидан қўлланилмоқда. Бунда ғўзанинг амал даврида ушбу озика моддаларга бўлган танқислик ҳисобига кўп миқдорда ҳосил элементларини тўкиб, тўпланган ҳосилнинг йўқотилишига сабаб бўлмоқда [1].

3. В отдельные периоды эксплуатаций подводящей части машинного канала очистные работы в канале и в отстойнике не доводятся до проектной отметки. В результате недобора необходимого объема заиленного грунта в подводящем канале и в отстойнике увеличивается объем заиления. Для решения возникающих проблем в объектах исследования нужно будет разработать новые компоновочные схемы трассы и отстойников подводящих каналов насосных станций позволяющие улучшить условия эксплуатации подводящих каналов насосных станций.

Список использованной литературы

1. Базаров Д. Р., диссертационная работа //Научное обоснование новых численных методов расчета деформации русел рек, сложенных легкоразмываемыми грунтами// М. 2000
2. Бакиев М.Р., Турсунов Т.Н., Икрамов Н.М. О неблагоприятных гидравлических процессах, происходящих на крупных насосных станциях. Ракурсы инноваций. Сб. научн. и методич. трудов. СПб, СПбГПУ, 2006, с. 40-44

3. Мухаммедов Я. С. Эксплуатация Каршинского магистрального канала при водозаборе из р. Амударьи и пути его улучшения. Режим доступа: <http://www.cawater-info.net/library/rus/mukhamedov1.pdf>
4. Норкулов Б.Э, Хидиров С.К, “Современное состояние изученности процесса деформации русел рек бесплотинном водозаборе”, Материалы Республиканской научно-практической-практической конференции. Вопросы совершенствования эффективного использования земельных ресурсов и охрана окружающей среды Ташкент 2012г. №1 С. 157-158.
5. Норкулов Б.Э, Хидиров С.К «Некоторые особенности моделирования русловых процессов», Материалы Республиканской научно-практической-практической конференции. Вопросы совершенствования эффективного использования земельных ресурсов и охрана окружающей среды 1 май 2015 г. 75 стр.
6. Регулирование твердого стока и русловых процессов у бесплотинных водозаборных сооружений на р. Амударьи: Отчет о НИР (промежут.)/ САНИИРИ; Руководитель Х.А. Ирмухамедов – Инв. № 4622. - Ташкент. 1985.-192 с.
7. Чоу В. Т. Гидравлика открытых каналов. –М.: 1969.
8. Мухамедов Я.С. Регулирование русла и режима наносов Амударьи у бесплотинных водозаборов руслорегулирующими сооружениями. Режим доступа <http://mail.icw-aral.littel.uz/library/rus/hist/sb-tr-saniiri-1984/pages/056.htm>
9. Bazarov, D., Markova, I., Norkulov B. Isabaev, K., Sapaeva, M. “Operational efficiency of water damless intake”
10. Krutov A.N, Norkulov B.E, Artikbekova F.K and Nurmatov P. Optimal location of an intake at a reservoir prone to salt diffusion. IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 869 (2020) 072020.
11. Uralov B, Xidirov S, Matyakubov B, Eshonkulov Z, Norkulov B and Gayur G. River channel deformations in the area of damless water intake. IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 869 (2020) 072020.



ISSN: 2181-9904


www.tadqiqot.uz

АГРО ПРОЦЕССИНГ

АГРО ПРОЦЕССИНГ | AGRO PROCESSING

Матякубов Бахтияр,
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети
Нуров Дилмурод
“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот
университети Бухоро ТРБИ
E-mail: b.matyakubov@tiiame.uz,
bmatyakubov@inbox.ru

БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ғўзани етиштиришда ҳозирги кунда қўлланилаётган суғориш усули билан томчилатиб суғоришни қўллашнинг таҳлилий натижаси келтириб ўтилган. Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишда томчилатиб суғориш усулини қўллашнинг ғўза даласида қўлланилган технологиясининг ижобий томонларини ёритиб берилган. Томчилатиб суғоришни ғўза даласида қўллаш орқали сув танқислигини юмшатиш, ер устидан суғориш усулига нисбатан таҳлилий натижага кўра сувни 31 фоиз тежалганлиги, ҳосилдорликни 24 фоизга ошганлиги яъни гектарига 4,2 тонна пахта ҳосил олинганлиги тўғрисида маълумотлар илмий тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Суғориш учун мавсум давомида томчилатиб суғориш усулида гектарига 3670 м³ сув берилган (суғоришлар сони 15 та), сувнинг маҳсулдорлиги 1,14 т/м³ бўлган, ер устидан суғориш усулига нисбатан 0,49 т/м³ сув иқтисод қилишга эришилган.

Калит сўзлар. Ғўза, томчилатиб суғориш, ер устидан суғориш, сув танқислиги, технология, ҳосилдорлик, сувнинг маҳсулдорлиги.

Матякубов Бахтияр,
Национальный исследовательский
университет «ТИИИМСХ».
Нуров Дилмурод
Бухарский институт управления природными
ресурсами при национальном
исследовательском университете «ТИИИМСХ»
E-mail: b.matyakubov@tiiame.uz,
bmatyakubov@inbox.ru

ЭФФЕКТИВНОСТЬ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены аналитические результаты полива хлопчатника поверхностными и капельными способами орошения. Выделены преимущества применяемой и капельной способы орошения на хлопковом поле, а также в эффективном и рациональном использовании водных ресурсов. Исследования показали, что использование капельного орошения на хлопковых полях может сэкономить 31% воды по сравнению с поверхностным способом орошения и повысит урожайность на 24%, т.е. даётся информация о полученных урожайности хлопчатника на 4,2 тон с гектара.

За вегетационный период при поливе капельного орошения (был произведён 15 поливов) подана на гектар 3670 м³ воды, а продуктивность воды составила 1,14 т/м³, экономия воды составило на 0,49 т/м³ по сравнению с поверхностным способом орошения.

Ключевые слова. Хлопчатник, капельное орошение, поверхностное орошение, маловодье, технология, урожайность, продуктивность воды.

Matyakubov Bakhtiyar,

“Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers” National Research University

Nurov Dilmurod

“Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers” National Research University

Bukhara Institute of Natural Resources Management

E-mail: b.matyakubov@tiame.uz, bmatyakubov@inbox.ru

**EFFICIENCY OF DRIP IRRIGATION OF COTTON IN THE CONDITIONS OF
BUKHARA REGION****ANNOTATION**

This article presents about the analytical results of irrigation of cotton by surface and drip irrigation methods. The advantages of the applied and drip irrigation methods in the cotton field, as well as in the efficient and rational use of water resources, are highlighted. Studies have shown that the use of drip irrigation in cotton fields can save 31% of water compared to surface irrigation and increase yields by 24%, i.e. information is given on the yield of cotton at 4.2 tons per hectare.

During the growing season, with drip irrigation (15 irrigations were made), 3670 m³ of water was supplied per hectare, and the water productivity was 1.14 t/m³, water savings amounted to 0.49 t/m³ compared to surface irrigation.

Keywords. Cotton, drip irrigation, surface irrigation, low water, technology, yield, water productivity.

Кириш.

Хозирда йилда - йилга Республикамизда суғориш сувлари тақчиллиги сезилаётган бир вақтда қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда сув ресурсларини тежовчи технологиялар қўллаш энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйишда сувни тежовчи технологиялар қўллашга мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 10 июлида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси кўра, сув тежовчи технологиялари жорий этилган майдонлар 2 млн. га, жумладан, томчилатиб суғориш технологияси 600 минг га. майдонга тадбиқ этилиб, йилига 35 - 40 % (3,5-4 млрд. м³) сув иқтисод қилиниши тақрибий ишлаб чиқилиб, 298 минг га. фойдаланишдан чиқиб кетган экин етиштириладиган майдонлар қайта ўзлаштиришга эришиш мумкин келтириб ўтилган[1]лиги бежиз эмас деб ҳисоблаш мумкин.

Тахлилий-ҳисоб китобларга қараганда бугунги кунда ҳаммамизга маълум ер юзида яшаётган 7,5 миллиард аҳолидан 1,1 миллиарди сув тақчиллигида кузатилаётганлиги ҳамда 2025 йилга бориб, сув тақчиллигида яшаётган аҳолини сони 3 миллиарддан ортиши ва яшаётган аҳолининг 40 фоизини ташкил қилиши тақрибий ҳисоб китобларда келтириб ўтилган. Шу боис ҳам дунё миқёсида томчилатиб суғориш тизимидан кенг миқёсда фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Сув тежамкор суғориш технологиясини қўллашда кўпгина давлатлар, яъни Исроил, Кипр, АҚШ, Италия, Австралия, Германия катта ютуқларга эришиб келинмоқда. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллаб туриши ҳам бу ғўза етиштиришда сув тежамкор суғориш технологияси жумладан томчилатиб суғориш усулини қўллашнинг эътиборли томонлардан бири эканлигидан далолат беради [2].

1. Асосий қисм.

Ҳаммамизга маълум, қишлоқ хўжалик эҳтиёжларини қоплаш учун зарур бўлган сув ресурслари ҳажмининг фақат 20 фоизга яқинигина мамлакатимиз ичида шаклланади, асосий қисми: трансчегаравий дарёлар - Амударё ва Сирдарё ресурслари ҳисобига қопланади. Сўнгги вақтда сув тақчиллиги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда чекловчи омилга айланиб қолмоқда. Юқорида келтириб ўтилган сабаблар сув тежамкор суғориш усуллари дала шароитида қўллаш кераклигидан далолатдир [3].

Республикамиздаги мавжуд қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда миллиардлаб м³ сувнинг 60 фоиз атрофида экинларга етиб бориши, қолган 40 фоизи эса суғориш тизимлари ва суғориш жараёнида йўқотилиши “Сув хўжалиги вазирлиги”нинг ҳисоботида келтириб ўтилган бўлиб, сувни тежаб тергаб фойдаланиш давр талаби эканлиги ҳисобланади. Республика миқёсида сувни тежаш ва экин талабидан келиб чиққан ҳолда етказиб беришда пахтачиликда ҳам сув тежамкор суғориш усуллари жумладан томчилатиб суғориш кенг қўлланила бошланди. Бу билан фақатгина сувни тежаш эмас, балки сизот сувларининг кўтарилиши ва натижада тупроқнинг шўрланишининг олди олинишига ҳам эришилади. Шу билан бир қаторда суғоришни автоматлаштириш, агротехник тадбирларни бажаришда кам ишлов бериш, ҳамда ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади [4].

Суғориладиган ерларда сув танқислигини юмшатиш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, суғориш тартиблари, техника ва технологияларини тупроқ сув - физик хоссаларига, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича республикамизда Хамидов М.Х., Исабаев К.Т., Матякубов Б.Ш., Кошеков Р.М., Авлякулов М., Шакиров Б., Норкулов У., Саттаров О., Абдуллаев И., Казбеков Ж., Бекчанов М., Бекмирзаев Ф. ҳамда чет давлатда Molden D.J., Lamers J., Martius C., Ouddane B., Beltrao J., Mohan Reddy Junna каби олимлар томонидан кенг қамровда илмий-тадқиқотлар олиб борилган [5-16].

Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида шўр ювиш учун йилига ўртача 4,2-4,6 миллиард м³ дарё сувлари сарфланиши, натижада коллектор ва дренаж тармоқлари орқали минтақадан 1,9-2,2 миллиард м³ ер ости сувларига сизилиб ўтилиши сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ва экин экиладиган майдоннинг шўрланишига сабаб бўлмоқда [17].

Бухоро вилоятида сизоб сувлари сатҳи 0-1 метр чуқурликда жойлашган ерлари 0,1 минг, 1,0-1,5 метргача 4,1 минг, 1,5-2,0 метргача 34,3 минг, 2,0-3,0 метргача 180,9 минг гектарни ташкил этади. Шу майдонларнинг 1,3 минг гектарида сизоб сувларнинг минерализацияси 0-1 г/л, 178,2 минг гектарида 1-3 г/л ташкил этиб сувдан самарали фойдаланиш ва сув танқис йиллари Гиждивон, Бухоро ва бошқа туманларида сув тежамкор суғориш технологияларни қўллаш катта аҳамиятга эга ҳисобланади [17-21].

Тадқиқотнинг асосий мақсади: Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Саид Имом Тилав” фермер хўжалигининг ўтлоқи - аллювиал, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқ, сизот сувлари сатҳи 2,0-2,5 м, сизот сувлари минерализацияси 2,0-3,0 г/л бўлган шароитларида, ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартиби ҳамда уларнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг сифат

кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- тажриба далаларининг тупроқ шароитлари (тури, механик таркиби, сув-физик хоссалари ва унумдорлиги)ни аниқлаш;
- тажриба далаларининг гидрогеологик ва мелиоратив шароитларини аниқлаш;
- Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартибини аниқлаш;
- ғўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартибининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига, туз режимига, сизот сувлари сатҳи ва минерализациясининг ўзгаришига, уларнинг ўсиб, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

2. Тадқиқот методологияси.

Дала тадқиқот ишларини ҳамда ғўза даласидаги фенологик кузатувларни олиб боришда “Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти”да қабул қилинган “Пахта майдонларида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари”, “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” услубий қўлланмаларидан фойдаланилган. Дала шароитидан олинган натижаларнинг аниқлик ҳамда ишончлик даражаси Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби ёрдамида математик - статистик таҳлил қилиш йўли билан ҳисоб - китоб қилинган.

Дала тажрибаси ғўзани икки хил усулда (ер устидан ва томчилатиб) суғориш жараёнидаги суғориш тартиби аниқланди. Тажрибалар 1-жадвалда келтирилган тизим асосида амалга оширилди.

1-жадвал

Тажриба тизими.

№	Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги, ЧДНС га нисбатан %	Суғориш усули	Суғориш меъёрини аниқлаш
1.	Ишлаб чиқариш назорати	Эгатлаб суғориш	Фактик ўлчовлар
2.	70-80-65	Томчилатиб суғориш	0-50 см. ва 0-70 см. намлик дефицити бўйича

Изоҳ: Дала тажриба ишлари 4 та қайтариқда амалга оширилган.

Тупроқнинг ҳисобий қатламдаги тупроқ намлиги ва сув-физик хоссалари юқорида келтириб ўтилган услубиятлар асосида аниқланди.

Ўзани суғориш вақтини белгилашда тупроқ намлигини тензиометрдан ёрдамида аниқланди. Ўзанинг ўсиш-ривожланиш фазаларида сувга бўлган талаби ўрганилди. Ҳамда ғўзани анъанавий ва томчилатиб суғориш усуллари билан суғоришнинг мақбул вариантлари синовдан ўтказилди.

3. Таҳлил ва натижалар.

Тадқиқот натижасида анъанавий (ер устидан) ҳамда томчилатиб суғориш усули қўлланилганда ғўзани суғориш тартиби бўйича аниқланган кўрсаткичлар 2-жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал

Ўзани суғориш тартиби

Ой	Анъанавий суғориш усули		Томчилатиб суғориш усули	
	Суғориш меъёри, м³/га	Суғориш сони, та	Суғориш меъёри, м³/га	Суғориш сони, та
Июнь	1100	1	830	4
Июль	2320	2	1870	7
Август	1830	2	970	4
Жами:	5250		3670	

Тажрибанинг ишлаб чиқариш назоратида, яъни эгатлаб суғоришни қўллаган ҳолда, вегетация даврида суғориш 1-3-1 тизим бўйича ғўза 5 марта суғорилди, ғўзани суғориш меъёрлари юқори (1250-1350 м³/га) бўлганлиги ҳисобига тупрокнинг мўлжалланган қатламида суғориш олди намлик даражаси юқори бўлиши кузатилди. Суғоришлар орасидаги муддат 21-26 кун атрофида бўлди. Мавсумий суғориш меъёри 5250 м³/га ни ташкил қилди.

Томчилатиб суғориш усули қўлланилган тажриба вариантда суғориш тизими 4-7-4 бўлди ҳамда ғўза 15 марта суғорилди. Суғориш муддатлари меъёрларини таҳлилига қараганда, “Бухоро-8” ғўза навлари ЧДНС га нисбатан 70-80-65% суғориш тартибида 15 марта суғорилди. Суғоришлар оралиғи 5-14 кунни ташкил қилиб, суғориш меъёри ўртача 1 гектар майдонга 292 м³ ни ташкил этади. Мавсумий суғориш меъёри гектарига 3670 м³ бўлди. Томчилатиб суғориш қўлланилганда эгатлаб суғориш (назорат варианты) га нисбатан 31% га иқтисод қилишга эришилди.

Суғориш усулларини қўллаш бўйича сув маҳсулдорлиги бўйича маълумотлар 3-жадвалда келтириб ўтилган.

3-жадвал

Сув маҳсулдорлиги ҳисоби

Суғориш усули	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Ҳосилдорлик, т/га	Сувнинг маҳсулдорлиги, т/м ³	Фарқи + т/м ³
Ер устидан суғориш	5250	3,4	0,65	-
Томчилатиб суғориш	3670	4,2	1,14	0,49

Суғориш усулларининг қўлланилиши натижасида сувнинг маҳсулдорлиги томчилатиб суғориш усулида юқори бўлганлиги аниқланди. Яъни 0,49 тонна кўп ҳосил олишга эришилди.

Эгатлаб суғоришга нисбатан томчилатиб суғориш жараёнида нафақат сувни иқтисод қилиш балки 24 фоизга ғўзанинг ҳосилдорлиги ошишига эришилди.

Ќўзани эгатлаб ва томчилатиб суғориш технологияларига боғлиқ ҳолда иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қўлланилган барча агротехник тадбирлар, жумладан суғориш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш учун кетган сарф-харажатлар инobatга олиб борилди. Ќўзадан олинган ҳосилдорликдан келиб чиққан ҳолда, шартли соф фойдани ва рентабеллик даражаси ҳисобланди. Ресурс ва харид нархлар 2021 йилдаги кўрсаткичларга асосан ҳисоб-китоб қилинди. Пахта нархини белгилашда Бухоро вилояти Вобкент тумани “Саид Имом Тилав” фермер хўжалигининг 2021 йилдаги ҳақиқий таннархи асос қилиб олинди. Ќўзани турли суғориш технологияларида суғоришнинг иқтисодий самарадорлигини тажриба вариантлари бўйича қиймати 4-жадвалда келтириб ўтилган.

Ќўзани эгатлаб суғориш вариантыда 1 га майдонда етиштирилган пахтани сотишдан тушган маблағ 21250 минг сўмни ташкил қилди ҳамда 1 га майдонга қилинган жами ишлаб чиқариш харажатлари 15850 минг сўмдан иборат бўлиб, шартли фойда 5400 минг сўм/га. ни ва рентабеллик 34 фоизни ташкил этди. Ќўзани томчилатиб суғориш вариантыда эса 1 га майдонда етиштирилган пахтани сотишдан тушган маблағ 26250 минг сўмни ташкил қилди ҳамда 1 га майдонга қилинган жами ишлаб чиқариш харажатлари 18917 минг сўмдан иборат бўлиб, шартли фойда 7333 минг сўм/га ни ва рентабеллик 39 фоизни ташкил этди.

4-жадвал

“Саид Имом Тилав” фермер хўжалигининг пахта хом ашёси етиштириш учун сарфланган харажатларининг эгатлаб ҳамда томчилатиб суғориш усулидаги қиёсий кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Эгатлаб суғориш усулида		Томчилатиб суғориш усулида		Фарқи “+”, “-”	
			1 гектар учун	Жами гектар учун	1 гектар учун	Жами гектар учун	1 гектар учун	Жами гектар учун
1	Экин майдони	га	1	12	1	12	0	0

2	Ҳосилдорлик	ц/га	34	408	42	504	8	96
3	Ялпи ҳосил	Тн	3,4	40,8	4,2	50,4	0,8	9,6
4	Жами харажатлар	МИНГ сўм	15850	190200	18917	227004	-3067	-36804
5	Жами даромад	МИНГ сўм	21250	255000	26250	315000	5000	60000
6	Соф фойда	МИНГ сўм	5400	64800	7333	87996	1933	23196
7	Рентабеллик	%	34	34	39	39	5	5

Изоҳ: 1 USD = 1100 сўм., 1 га = 10000 м²

Хулоса.

Томчилатиб суғориш усули қўлланилганда сув бериш тизими 4-7-4 бўлиб, ғўза 15 марта суғорилди. Суғориш муддатлари меъёрларини таҳлилига қараганда, “Бухоро-8” ғўза навлари ЧДНС га нисбатан 70-80-65% ушлаб турилди. Суғоришлар оралиғи 5-14 кунни ташкил қилиб, суғориш меъёри ўртача 1 гектар майдонга 245 м³ ни ташкил этади. Мавсумий суғориш меъри 3670 м³/га бўлди. Томчилатиб суғориш қўлланилганда эгатлаб суғоришга нисбатан 31% га иқтисод қилишга эришилди.

Ғўзани сувга бўлган талабини нормал ҳолда ушлаб туриш орқали, эгатлаб суғоришга нисбатан томчилатиб суғоришда 24 фоизга ғўзанинг ҳосилдорлиги ошишига эришилди.

Иқтисодий томондан таҳлил қилинадиган бўлса, ғўзани эгатлаб суғориш вариантыга нисбатан томчилатиб суғориш усулини қўлланилганда 1 га майдондан олинган шартли фойда 7333 минг сўмни ва рентабеллик даражаси 39 фоизни ташкил қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси” тўғрисидаги 6024-сонли фармони (<https://lex.uz/docs/4892953?otherlang=1>).
2. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари маълумоти (https://www.agro.uz/uz/information/about_agriculture/574/5730/).
3. Соколов В.И. Водное хозяйство Узбекистана: прошлое, настоящее и будущее. Издательства стр. 75, Ташкент 2015.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 - 2023 йилларга мўлжалланган” 5005-сонли қарори.
5. Khamidov M., Muratov A. “Effectiveness of rainwater irrigation in agricultural crops in the context of water resources”.// IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2021, 1030(1), 012130.
6. Matyakubov B., Koshekov R., Avlakulov M., Shakirov B. “Improving water resources management in the irrigated zone of the Aral Sea region”. // E3S Web of Conferences, 2021, 264, 03006
7. Matyakubov B., Goziev G., Makhmudova U. “State of the inter-farm irrigation canal: In the case of Khorezm province, Uzbekistan”. // E3S Web of Conferences, 2021, 258, 03022
8. Норкулов У., Саттаров О. “Economic efficiency of soybean varieties on irrigation procedures”. // International approved Journal with Global Indexing Impact Factor; 4.526 (SIIF). October. 2019.
9. Abdullayev I., Kazbekov J., Molden D. (2007). Water conservation practices in the Syr Darya Basin of Central Asia: water productivity impacts and alternatives. Int Water Irrig J 2. - p.14-17.
10. Molden D.J. “Water for food Water for life”.//A comprehensive assessment of water management in agriculture. 2017. p.645.
11. Bekchanov M., Lamers J., Martius C. (2010) “Pros and cons of adopting water-wise

- approaches in the lower reaches of the Amu Darya: a socio-economic view”//Water 2.- p. 200-216.
12. Bekmirzaev G., Ouddane B., Beltrao J., 2019. “Effect of irrigation water regimes on yield of *Tetragonia tetragonoides*. Agriculture” // 9(22), pp. 1-9
<https://doi.org/10.3390/agriculture9010022>.
 13. Bekmirzaev G., Ouddane B., Beltrao J., Khamidov M., Fujii Y., Sugiyama A., 2021. “Effects of Salinity on the Macro - and Micronutrient Contents of a Halophytic Plant Species (*Portulaca oleracea* L.)”. // Land, 10, 481. <https://doi.org/10.3390/land10050481>.
 14. Bekmirzaev G., Ouddane B., Beltrao J., Khamidov M., 2018. “Effect of several irrigation water regimes on yield, leaf minerals content and photosynthetic pigments of *Tetragonia tetragonoides*. Journal of Sustainable Agriculture”. // 1(1), pp. 5-11.
 15. Ben Asher J., Beltrao J., Bekmirzaev G., Panagopoulos T., 2021. “Crop Response to Combined Availability of Soil Water and Its Salinity Level: Theory, Experiments and Validation on Golf Courses”. // Agronomy, 11, 2012.
<https://doi.org/10.3390/agronomy11102012>.
 16. Mohan Reddy Junna and others. “Analysis of Cotton Water Productivity in Ferghana Valley of Central Asia”. // January 2012. Agricultural Sciences 03(06) · January 2012.
 17. Бухоро вилояти Аму-Бухоро ирригация тизимлари хавза бошқармасининг 2020-2021 йиллардаги ҳисоботи.
 18. <https://www.google.com/search?q=Application+of+water+saving+methods> (Ривожланган давлатларда сув тежаш усулларининг қўлланилиши).
 19. <https://www.care2.com/greenliving/20-ways-to-consume-water-at-home.html> (сув тежамкор технологиялар).
 20. <http://agriculture.vic.gov.au/agriculture/farm-management/soil-and-water/irrigation/about-irrigation> (Ривожланган давлатларда қўлланиладиган ғўзани суғориш тартиби).
 21. <http://www.fao.org/land-water/databases-and-software/aquacrop/en/> (2017).




УДК: 631.95 (575.1)

Малика Алибоева,
ЎзМУ Тупроқшунослик
кафедраси таянч докторанти.
E.mail: malika.alibaeva@gmail.com

Зафаржон Жаббаров,
ЎзМУ Тупроқшунослик
кафедраси мудири, профессор б.ф.д.
E.mail: zafarjonjabbarov@gmail.com

Машкура Фахрутдинова,
ЎзМУ Тупроқшунослик
кафедраси доценти б.ф.н.
E.mail: mashkura.fakhrutdinova@gmail.ru

ЧОТҚОЛ ДАВЛАТ БИОСФЕРАСИ ҚЎРИҚХОНАСИ ХУДУДИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИГА ГУМУСНИНГ ТАЪСИРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Чотқол давлат биосфераси қўриқхонаси худуди тупроқларининг типик вакили тоғ жигарранг тупроқларнинг физик хоссаларига (ҳажм оғирлиги, ғоваклиги ва механик таркиби) гумуснинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар кетирилган. Худуддаги тоғ жигарранг тупроқларни бошқа тоғ худуд тупроқлари ва текислик тупроқларидан механик таркиби, солиштира оғирлиги, ҳажм оғирликлари ва ғоваклиги билан текислик тупроқларидан фарқи қилиши бўйича ҳам қиёсий маълумотлар ҳам келтирилган. Бу тупроқлар ўзининг айниқса тошлилиги, гумуслилиги, карбонатлилиги, умумий физик хоссалари билан бошқа тупроқлардан ажралиб туриши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: биосфера, рельеф, морфология, солиштира ва ҳажм оғирлик, карбонат, мелкозём.

**Malika Alibayeva,
Zafarjon Jabbarov,
Mashkura Fakhrutdinova,**

THE EFFECT OF HUMUS ON THE PHYSICAL PROPERTIES OF SOIL AT THE CHATKAL STATE BIOSPHERE RESERVE

ABSTRACT

The article provides information on the effect of humus on the physical properties (volumetric weight, porosity and mechanical composition) of mountain brown soils-a typical representative of

the soils of the Chatkal State Biosphere Reserve. Comparative data on the difference between mountain brown soils of the region and plain soils in terms of texture, specific gravity, bulk density and porosity of other mountain and plain soils are presented. These soils differ from other soils in their special stony, humus, carbonate content, and general physical properties.

Key words. biosphere, relief, morphology, specific and volumetric gravity, carbonate, fine earth.

Малика Алибоева,
Зафаржон Жаббаров,
Машкура Фахрутдинова,

ВЛИЯНИЕ ГУМУСА НА ФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПОЧВЫ В ЧАТКАЛЬСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ БИОСФЕРНОМ ЗАПОВЕДНИКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о влиянии гумуса на физические свойства (объемный вес, пористость и механический состав) горных коричневых почв типичного представителя почв Чаткальского государственного биосферного заповедника. Приведены сравнительные данные об отличии горных коричневых почв региона от равнинных по механическому составу, удельному весу, объемной массе и порозности других горных и равнинных почв. Эти почвы отличаются от других почв особой каменистостью, гумусом, карбонатностью и общими физическими свойствами

Ключевые слова: биосфера, рельеф, морфология, удельный и объемный вес, карбонат, мелкозём.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг тоғли худудлари жуда кичик майдонни эгалласада, унинг кишлок хўжалиги ва халқ хўжалигида ахамияти катта. Табиатни муҳофаза қилиш кўриқхоналари, миллий боғлари, заказниклар, алохдда муҳофаза этиладиган табиий худудлар жумладан Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси тоифасидаги ерлар ҳам алохида муҳофаза этиладиган худудлар ҳисобланади Бу жойларни муҳофаза қилиш, уларнинг табиий ҳолатда сақлаб қолиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Тоғ тупроқларини ҳосил бўлишида тупроқ ҳосил қилувчи барча омиллар ва уларнинг элементлари (рельеф, ўсимлик қоплами, иқлими, она жинслар ва х.к.) бевосита таъсир кўрсатиб, худуднинг тупроқ тақдирини ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Буни биз турли қияликлар (шимолий, ғарбий, шарқий ва жанубий), уларнинг нишаблиги, қуёшга нурунинг тақсимланиши, нураш маҳсулотларининг жойлашиши, тарқалиши, мелкоземларни миқдори ва у қатламнинг қалинлиги, худудда ёғадиган атмосфера ёғинлари, ёғин турлари, миқдори, ўсимлик қопламини тарқалиш ҳолати, ўсимлик турлари тупроқда кечадиган барча жарёнларга ўз таъсирини кўрсатади [1].

Адабиётлардан маълумки, тоғ тупроқлари гумусга бой, гумусли қатламининг қалинлиги ҳам юқори эканлиги, гумус тўпланиш тезлиги, серкарбонатлиги ҳамда гумуснинг умумий физик хоссаларига таъсири бўйича И.А.Степанов., И.Н. Степанов., А.А.Нестеров [11], Д.С.Таирбоева [12], А.Назаров [3], Г.Мирхайдарова [8], О.Хақбердиев., Т.Шамсиддинов [14] ва бошқалар батафсил ўрганганлар.

Денгиз сатҳидан баландликка кўтарилган сари табиий омиллар ҳам ўзгариб боради айниқса рельеф, иқлим ва ўсимлик қоплами бевосита тупроқнинг турли хоссаларига (агрокимёвий, агрофизикавий ва биологик) таъсир кўрсатади [12].

Тадқиқот услубиёти. Тадқиқот олиб борилган жойда асосий тупроқ типларининг морфогенетик хусусиятлари ўрганиш мақсадида таққослама георграфик йўналишли маршрутлик экспедиция қўйилган вазифани амалга ошириш учун (объект, кесма, намуналар) жой танланади, олинган кесмаларда ўша жойни ўзида стационар дала шароитида тўлиқ морфологик текширув ўтказилди. Шу билан бирга тупроқнинг айрим физик хоссалари (ҳажм

оғирлиги) учун намуналар махсус цилиндрларга олинади, дала шароитида механик таркиб тахминий ҳўл ва қуруқ усулда аниқланди. Лаборатория шароитида тупроқнинг механик таркиби Качинскийни пипетка усулида, солиштирма оғирлик пикнометр усулида ва ҳажм оғирлик Качинский усулида 100 см^3 цилиндрда (1-расм) ва ғоваклик ҳисоблаш йўли билан аниқланди.

Тахлил ва натижалари. Тоғли худудларда тупроқ қопламанинг структураси ўта мураккаб бўлишига рельеф, қиялик экспозицияси, иқлим, тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар таркиби, ўсимлик қоплами ва турларини таъсир этиши оқибати сабаб бўлади. Нега деганда, гумус ҳосил бўлишига таъсир кўрсатадиган асосий етакчи омил ўсимликлар олами, тури ҳисобланади. Рельеф ҳам паст баландликлар, турли қияликларда шимолӣ, шарқӣ, ғарбӣ ва жанубӣ тарафлар, тупроқ юзасини иқлим таъсирида иссиши, совиши яъни қуёш нурининг тақсимланиши, турли ўсимлик қоплами фармациялар, турлари, ўсимликларнинг кўп ёки камлиги тупроқ қопламида ўз аксини кўрсатади. Бу ўз новбатида тупроқда гумусли қатламларнинг пайдо



1 расм. Тупроқни ҳажм оғирлигини аниқлашда ишлатиладиган цилиндрлар бўлиши, гумус миқдори тупроқнинг умумий физик хоссаларига жумладан тупроқнинг ҳажм оғирлиги ва ғовакликига таъсири кузатилади буни чет эл олимларининг тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин [1,2].

Тупроқнинг ҳосил бўлиши бу унинг она жинсининг мураккаб турли ўзгаришларга учраб яъни, механик, кимёвий, биологик ўзгаришидан ҳосил бўлган нураш махсулотлари ҳисобланади. Тупроқларнинг ривожланиши, генетик қатламларнинг шаклланиши тупроқдаги тоғ жинслари майда заррачаларнинг ҳолати, билан белгиланади. Турли майда заррачаларнинг умумий йиғиндиси тупроқнинг механик таркибини ташкил қилади.

Ўрганилган тоғ жигарранг тупроқларнинг механик таркиби бўйича берилган 1-жадвалдаги маълумотларни биз А.Назаров (Чотқол давлат биосфераси кўрикхонаси [3], М.Фахруддинова (Зомин Халқ боғи кўрикхонаси

1-жадвал.

Тоғ жигарранг тупроқларнинг механик таркиби (абс. курук тупроқ вазнига нисбатан % ҳисобида)

Чуқурлик см,да	Заррачалар катталиги, мм,да							Физик лой <0.01мм	Механик таркиб бўйича номланиш
	1-0.25	0.25-0.1	0.1-0.05	0.05-0.01	0.01-0.005	0.005-0.001	<0.001		
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
6-кесма тоғ жигарранг карбонатли									
0-5	2.55	1.30	18.37	37.80	13.52	16.28	10.18	39.98	Ўрта қумоқ
5-23	1.75	2.90	13.65	40.76	20.56	11.32	9.06	40.94	
3-49	2.90	3.65	9.09	41.96	20.82	10.84	10.74	42.40	
11-кесма тоғ жигарранг типик									
0-10	2.40	1.41	13.18	46.28	13.23	12.25	11.25	36.73	Ўрта қумоқ
10-29	2.55	0.61	14.80	41.93	14.47	14.62	11.02	40.11	
29-44	1.35	0.98	8.50	45.54	15.16	12.48	15.99	43.63	Ўрта қумоқ
44-65	1.11	0.82	8.05	39.62	14.81	17.30	17.29	49.29	Оғир қумоқ
65-98	1.69	1.30	6.99	42.02	15.49	14.61	16.80	47.10	Оғир қумоқ
12. 2021-кесма тоғ жигарранг ишқорсизланган									
0-8	2.25	1.40	17.93	40.80	17.52	17.40	12.70	47.62	Оғир қумоқ
8-28	1.00	0.80	7.18	36.40	21.08	17.88	15.66	54.62	
28-54	0.45	0.25	1.20	42.68	23.08	16.16	16.18	55.42	Оғир қумоқ
54-83	0.45	0.40	1.19	40.80	22.82	14.48	19.86	57.26	Оғир қумоқ
83-120	0.70	0.40	5.12	41.84	23.92	12.16	15.86	51.94	Оғир қумоқ

2015) [4], Х.Қўнғиров (Нурота тоғ 2008) [5,10,11], турли худудлардаги турли хил географик шароитда ривожланган тоғ жигарранг тупроқларини маълумотлари билан қиёсий солиштирсак, физик лой миқдори кўп, лойланиш даражаси юқори. Бу тоғ тупроқларининг ҳосил бўлиш шароитлари билан боғлиқ бўлишини кўрсатади. Мамытов А.М [6] ҳам Қирғизистон тоғ тупроқларида бу жараённи тасдиқлаган.

1-жадвалдаги механик таркиби таҳлил қилинаётган барча типчадаги тоғ жигарранг тупроқларида йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачаси қолган барча механик заррачалар миқдоридан устунлик қилади ва унинг миқдори бутун профил бўйича 36,40-46,28 % ўртасида тебраниб туради. Бу йирик чанг заррачаларининг (0,05-0,01 мм.) кўплиги, барча тоғ тупроқларига хос қонуниятнинг бир белгиси ҳисобланади. Генетик нуқтаи назардан ил заррачалари (< 0,001 мм.) миқдорини вертикал профилда ўзгариши катта илмий аҳамиятга эга. Тоғ жигарранг карбонатли тупроқлардан то тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқларга қараб механик таркиб оғирлашиб бориши кузатилди. Тупроқларнинг умумий физик хоссаларига кирувчи солиштира массаси, ҳажм массаси ва ғоваклиги билан бевосита тупроқ таркибидаги гумус миқдори, сингдириш сиғими, сув ўтказувчанлиги, нам сиғими ва бошқа генетик хосса хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади [2,7,8,12,13].

Солиштира оғирлик (СО) тупроқнинг агрофизикавий кўрсаткичлари жуда узоқ вақт давомида яъни тез ўзгармайдиган хусусиятга эга бўлиб, унинг ўзгариши она жинсининг минералогик ҳолатини ўзгариши билан боғлиқдир [9,13]. Ўрганган тупроқларнинг солиштира оғирлиги юқори қатламларда 2,54-2,65 г/см³ тенг бўлиб, бу кўрсаткичларнинг кичиклигига сабаб, тоғ тупроқлари таркибидаги гумус миқдорини юқори эканлиги деб хулоса қилишимиз мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тупроқда гумус моддаларининг камайиши билан солиштира оғирлик аста секинлик билан ортиб боради. Умуман олганда тоғ тупроқларининг солиштира оғирлиги 2,3-2,7 г/см³ атрофида тебраниб туради. Тоғ

жигарранг карбонатли тупроқларда 2,54 г/см³ га, тоғ жигарранг типик ва ишқорсизланган тупроқларда эса бу кўрсаткич анча юқори 2,61-2,65. г/см³ га тенг.

Солиштирма оғирлик юқорида таъкидлагандек кам ўзгарувчан, лекин тупроқларда кечаётган ички нураш жараёни ҳамда шу жараён шароити, минералогик таркибни таъсирида бу кўрсаткич яхшигина ўзгариб туради (2-жадвал).

2-жадвал

Тоғ тупроқларининг физик кўрсаткичлари

Кесма № тупроқ типи	Кесма чуқурлиги см. да	Гумус % да	СО г/см ³	ХО г/см ³	Ғоваклик %
1	2	3	4	5	6
3-кесма тоғ жигарранг карбонатли тупроқ қияликнинг паст томони	0-3	2,93	2,54	1,32	48
	3-15	1,89	2,64	1,33	49
	15-47	1,01	2,63	1,36	48
	7-71	0,61	2,63	1,36	48
6-кесма тоғ жигарранг типик тупроқ	0-5	3,73	2,61	1,32	49
	23	1,36	2,62	1,33	49
	23-49	0,44	2,65	1,37	46
	49-75	-	-	-	-
12-кесма тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқ	0-8	5,6	2,59	1,26	51
	8-28	4,2	2,58	1,26	51
	28-54	3,0	2,61	1,30	50
	54-83	1,0	2,60	1,32	49
	83-120	0,3	2,63	1,33	49

Нисбатан гумусга бой бўлган тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқларда ҳажм оғирлиги (ХО) эса 1,26-1,37 г/см³ ғоваклиги эса юқори қатламда бизни тупроқларимизда карбонатли тоғ жигарранг тупроқларда гумус миқдори 2,93% бўлганда 48% паски қатламда 48% шимолий томондан олинганлиги учун, лекин жанубий томондан олинган худди шу тупроқ типи юқоридан пастга жуда кескин камйганини 46 % кўрсатади. Тоғ жигарранг типик ва тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқларда солиштирма оғирлик юқоридан пастга томон 2,65 г/см³ ортиб ориши, ғоваклик юқори қатламда 51% пастки қатламда 49% камайиши кузатилди. Солиштирма оғирликка гумус таъсир этса, унда бевосита гумусга таъсир этувчи омиллар бу ўсимлик қолдиқлари, жойнинг релефи, иқлими буларнинг ҳаммаси ўз навбатида бир бирлари билан боғлиқ эканлигини билдиради. Эрозия жараёнлари ҳам шунга боғлиқ равишда тупроқларни деградацияга учрашида муҳим ҳисобланади [7,8,13,14].

Ҳажм оғирликнинг ўлчов бирлиги ҳам солиштирма оғирлик сингари г/см³ да ифодаланади. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги жуда ўзгарувчан бўлиб, асосан агрегатларнинг зичланиш даражасига боғлиқ бўлади. Тоғ жигарранг карбонатли тупроқларнинг юқори қатламларида ҳоваклик 48% ни, тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқлар гумусга бой бўлганлиги сабабли кесманинг юқори қатламларида 51% пастки қатламдарда 49% ни ташкил қилади. Тупроқларининг ҳажм оғирлиги тупроқ хоссаларини яхшилашда эрозияга учрашида, унумдорлигини белгилашда, ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тоғ жигарранг тупроқларда механик таркибни оғир ва ўрта қумоқчилиги, гумус моддаларини юқорда сақлаши ҳамда майда заррачаларнинг кўплиги, қолаверса карбонатларнинг иштирок этиши натижасида бу тупроқларда сувга чидамли агрегатларнинг шаклланиши учун катта имкониятларни беради. Йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачаси қолган барча механик заррачалар миқдоридан устунлик қилади бутун профил бўйича 36,40-46,28 % ўртасида тебраниб туради. Бу йирик чанг заррачаларининг (0,05-0,01 мм.) кўплиги, барча тоғ тупроқларига хос қонуниятнинг бир белгиси ҳисобланади.

Тоғ тупроқларини ҳажм оғирлигига гумуснинг таъсири тоғ жигарранг карбонатли тупроқлардан то тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқларга қараб ўзгариб боради. Қияликка куёш нурининг тарқалиши, ўсимлик қопламининг тарқалиши бунда жанубий ва шимолий қиялик кўзда тутилаяпти.

Тоғ тупроқларида пастга қараб ҳажм массани ошиши текислик тупроқларига қараганда камроқ ўзгаради. Тоғ ўлкаси тупроқларида эса ҳажм оғирликни канака бўлиши гумус миқдорига ва ўша худуддаги табиий омиллар ёғин-сочин, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, генетик қатламларнинг ўзаро босими таъсир кўрсатиши натижасида ўзгариб боради.

Адабиётлар

1. Russell-Roy, E. T., Keeton, W. S., Pontius, J. A., ve Kerchner, C. D. (2014). Rehabilitation forestry and carbon market access on high-graded northern hardwood forests. *Canadian Journal of Forest Research*, 44 (6),-P. 614-627.
2. Tolunay, D., Çömez, A. (2008). Türkiye ormanlarında toprak ve ölü örtüde depolanmış organik karbon miktarlar. *Hava Kirliliği ve Kontrolü Ulusal Sempozyumu*, 2008.-С. 22-25.
3. Назаров А.С. Почвы западных отрогов Чаткальского хребта (на примере почв Чаткальского горно-лесного государственного заповедника): Автореферат дисс. канд. с/х.н. Ташкент: 1987.-С. 21.
4. Фахрутдинова М.Ф.Зомин халқ боғи атрофида тарқалган тоғ тупроқларида гумус ҳосил бўлишига таъсир этувчи табиий омиллар. “Ер ресурсларини интеграциялашган бошқаришда фан ва инновацион технологиялар”. Республика илмий амалий тўплам. Т.: 2015.-Б. 208-210.
5. Кўнғиров Х.Н. Нурота тоғи ва тоғ олди текисликлари тупроқлари генезиси, морфологияси, хоссалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари. Б.ф.н. илмий даражасинини олиш учун дисс. автореф. Тошкент, 2008.-Б. 28.
6. Мамытов А.М. Особенности почвообразования в горных почвах. Фрунзе, Киргизистан, 1973, с 65-79.
7. Джалилова Г.Т. Геоинформационный анализ эрозионных процессов в среднегорьях и низкогорьях Узбекистана (на примере почв Чаткальского и Туркестанского хребтов): Автореф. дисс. док. б.н. Ташкент. 2018.-С. 53
8. Мирхайдарова Г. Влияние эрозии на плодородные почвы и пути восстановления этих свойств. *Аграрная наука сельскому хозяйству IX Международная научно-практическая конференция Барнаул 2016*.-С. 404-407
9. Исматов Д.Р. Минерологический состав и физико-химические свойства почв Южного Узбекистана. Ташкент: «Фан». 1989.-С. 185.
10. Степанов И.Н. особенности почв средней Азии в связи с гидротермическими факторами. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора сельскохозяйственных наук. Баку, 1970.-С. 50.
11. Степанов И.А., Степанов И.Н., Нестеров А. и др. Влияние террасирования горных склонов западного Тянь Шаня на почвообразования. В.кн. “Борьба с эрозией почв и селевыми потоками в Средней Азии”. ”Фан”, Ташкент, 1967.
12. Таирбаева Д.С. Гумусообразование в основных почвах вертикальной зональности юго-западных отрогов Чаткальского хребта. Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1981.-С. 24.
13. Кадырова Д., Джалилова Г.Т. Изменение физических свойств горных почв под влиянием эрозионных процессов. *Аграрная наука сельскому хозяйству IX Международная научно-практическая конференция Барнаул 2016*.-С. 354-357.
14. Хакбердиев О.Э., Шамсиддинов Т.Ш-Дегградация почв и влияние эрозии на агрохимические свойства почв. *International Independent Scientific Journal*, № 13.2020.-С. 27-29.



Курбанбаев Сагит Ережепович

Каракалпакский региональный центр
Научно-исследовательского института ирригации
и водных проблем, директор,
доктор философии по техническим наукам,

Каримова Ольга Юшевна

Каракалпакский региональный центр
Научно-исследовательского института ирригации
и водных проблем, заведующая лабораторией,


Баймуратов Рашид Александрович

Магистрант Балтийский Федеральный
Университет им. И. Канта

Турлибаев Закир Темирханович

Каракалпакский государственный университет
им. Бердаха, доктор философии по техническим наукам

НАУЧНАЯ ОСНОВА ПОДДЕРЖАНИЯ ВОДОПОТРЕБЛЯЮЩИХ ЭКОСИСТЕМ В ЗОНЕ ОРОШЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

В данной статье приводятся данные по современному состоянию естественных экологических систем, таких как озера, пастбища, сенокосы в зоне орошения Республики Каракалпакстан. На основе натурных измерений и произведенных расчетов, а также статистических данных приведены основные расчеты по необходимости подачи воды в качественном и количественном аспекте для поддержания данных объектов в относительно благоприятном состоянии, также в статье подчеркнута крайняя актуальность проведения описанных в статье мероприятий.

Ключевые слова: Озера, водные системы, тугай, пастбища, сенокосы, экология, орошение, деградация, качество воды, норма водоподдачи, восстановление.

Kurbanbayev Sagit Yerejepovich

Irrigatsiya va suv muammolari ilmiy-tadqiqot institutining
Qoraqalpog'iston mintaqaviy markazi,
texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori, direktor

Karimova Olga Yushevna

Irrigatsiya va suv muammolari ilmiy-tadqiqot institutining
Qoraqalpog'iston mintaqaviy markazi, laboratoriya mudiri

Baymurotov Rashid Aleksandrovich

Kant nomidagi Boltiq Federal Universiteti magistranti

Turliboev Zakir Temirxanovich

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti,
texnika fanlari falsafa doktori,

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI SUG'ORISH ZONASIDA SUV ISTE'MOL QILUVCHI EKOTIZIMLARNI SAQLASHNING ILMIY ASOSLARI

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Qoraqalpog'iston Respublikasi sug'orish zonasida ko'llar, yaylovlar, pichanzor kabi tabiiy ekologik tizimlarning zamonaviy holati bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan. Tabiiy o'lchovlar va amalga oshirilgan hisob-kitoblar, shuningdek, statistik ma'lumotlarga asoslanib, ushbu ob'ektlarni nisbatan qulay holatda saqlash uchun sifatli va miqdoriy jihatdan suv bilan ta'minlash zarurati bo'yicha asosiy hisob-kitoblar keltirilgan, shuningdek, maqolada keltirilgan chora-tadbirlarni amalga oshirishning o'ta dolzarbligi ta'kidlangan. Kalit so'zlar: ko'llar, suv tizimlari, tugay, yaylovlar, pichan, ekologiya. sug'orish, degradatsiya, suv sifati, suv ta'minoti normasi, tiklanish.

Kalit so'zlar: ko'llar, suv tizimlari, tugay, yaylovlar, pichan, ekologiya. sug'orish, degradatsiya, suv sifati, suv ta'minoti normasi, tiklanish.

Kurbanbayev Sagit Yerezhpovich

Karakalpak Regional Center of the Scientific Research
Institute of Irrigation and Water Problems, Director,
Doctor of Philosophy in Technical Sciences

Karimova Olga Yushevna

Karakalpak Regional Center of the Research
Institute of Irrigation and Water Problems,
Head of the Laboratory

Baymurotov Rashid Alexandrovich

Master's student Baltic Federal University
named after I. Kant baimurotov

Turlibaev Zakir Temirkhanovich

Karakalpak State University named after Berdakh,
Doctor of Philosophy in Technical Sciences

SCIENTIFIC BASIS FOR MAINTAINING WATER-CONSUMING ECOSYSTEMS IN THE IRRIGATION ZONE OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

ABSTRACT

This article provides data on the current state of natural ecological systems, such as lakes, pastures, hayfields in the irrigation zone of the Republic of Karakalpakstan. On the basis of field measurements and calculations made, as well as statistical data, the main calculations on the need for water supply in qualitative and quantitative aspects to maintain these facilities in a relatively favorable condition are given, and the article also emphasizes the extreme urgency of carrying out the measures described in the article. Keywords: Lakes, water systems, tugai, pastures, hayfields, ecology. irrigation, degradation, water quality, water supply rate, restoration.

Keywords: Lakes, water systems, tugai, pastures, hayfields, ecology. irrigation, degradation, water quality, water supply rate, restoration.

Введение

Низовья реки Амударьи в зоне Республики Каракалпакстан являются самым напряженным в гидрологическом и экологическом отношении регионом в Центральной Азии. Исчезновение Аральского моря, уменьшение водоносности реки Амударьи и ухудшение

качества воды в ней становится основными причинами ухудшения экологической обстановки в Приаральском регионе [9].

Известно, что XX век ознаменовался началом повсеместного развития сельского хозяйства, и соответственно началось строительство крупных гидроузлов, водохранилищ, освоение крупных массивов новых земель, которые в конечном итоге привели к коренным негативным изменениям естественного режима природных комплексов.

С одной стороны нельзя отрицать тот факт, что использование воды для орошения создаст гарантию обеспечения населения продовольственной безопасности и экономического благополучия в регионе, а с другой ее бездумное использование в целях сиюминутного благополучия привело к непоправимому урону в природе, соответственно, к экологическому неблагополучию на местном, и на региональных уровнях [10].

За период развития аральской экологической катастрофы оказались утерянными из-за недостаточного и некачественного обеспечения водой большие площади прежних естественных озер и нерестилищ для рыбы [5].

Еще в середине XX века низовья Амударьи славились своим животноводством, на сегодняшний день сократились площади пастбищных и сенокосных угодий, которые были основным источником корма для скота. Из-за нехватки воды луговые сообщества постепенно сменяются мало калорийной пустынной растительностью [2].

Наряду с нехваткой водных ресурсов существует проблема их качества. Ухудшение качества водных объектов приводит к повсеместному обострению экологической обстановки, падают экономические показатели народного хозяйства, и в конечном итоге это приводит к ухудшению социального положения и ухудшению здоровья людей, проживающих в этом регионе [8].

